

**МОЛ-МУЛКНИ ВА МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ МЕРОСХҮРЛАР  
ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ  
МАСАЛАЛАРИ (ТЕЗИС)**

*Бекзод Гадоев – фуқаролик  
Ишлари бўйича Тошкент шаҳар  
Учтепа туманлараро суди судьяси*

**Аннотация.** Мақолада мерос масаласида мол-мulkни ва мулкий ҳуқуқларни меросхўрлар ўртасида тақсимлашнинг назарий ва амалий масалалари илмий-назарий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Мерос улуши, ворислар, мол-мulk, маъмурий регламент, мулкий ҳуқуқлар, фуқаролик суди, мерос ҳуқуқи, мерос очилган вақт, васиятнома, USAID, UNDP, меросхўрлар ўртасида тақсимлаш.

Мерос масаласида мол-мulkни ва мулкий ҳуқуқларни меросхўрлар ўртасида тақсимлаш барча даврларда муҳим ҳисобланган. Мерос масаласи ўзининг долзарбилигини бугунги кунда ҳам сақлаб қолмоқда. Мерос тушунчасига Хожа Бухорий ўрта маҳсус билим юрти расмий сайтида “Мерос сўзи «Виросатун» сўзидан олинган бўлиб маънавий ёки молиявий ҳаққа эга бўлиш дегани. Яъни, бирон нарсани бир шахсдан бошқасига ўтишлигидир. Шу маънога кўра “Мерос” мол, бойлик, илм, улуғликни ўз ичига олади. Фиқхий тушунча бўйича, майитнинг ортида шаръий ворисга қолган мол ва ҳуқуқларга мерос дейилади. Мерос илмининг асосий далил ва ҳужжатлари Қуръони Карим, суннат ва ижмоъдан олинган. Бу илмда қиёсга ўрин қолмаган. Мерос илмини фароиз илми ўргатади. Бу илмнинг билимдони “Фароизи” деб номланади. Мерос илмининг ғояси – қолдирилган меросни ҳар ҳақ эгасига ўз ҳақини, шарий белгиланган улушини етказишидир.”<sup>1</sup> фикрлари келтириб ўтилади.

Мерос масалалари мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Оила кодекси ва бошқа бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 726-сон 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори шулар жумласидан ҳисобланади. Мазкур Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 20-банд, 2-хатбошисида қўйидаги жумлалар қайд қилинган: “20. Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар қўйидагилар бўлиши мумкин: меросга бўлган ҳуқуқ

<sup>1</sup> <https://xojabuxoriy.uz/?p=689>

тўғрисидаги гувоҳнома”<sup>2</sup>.

Мерос масаласида низоли ҳолатлар вужудга келган пайтда ёхуд аксинча масалани меросхўрлар ўртасида ҳал қилиниши лозим бўлган вазиятларда судхуқуқ соҳасидаги кўп йиллик тажрибамиздан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, амалиётда асосан нотариуслар аксарият ҳолатларда мерос масалани ҳал қилишни Ўзбекистон Республикаси фуқаролик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқларини тушунтириш билан чекланишларини кузатгандиз. Бундай амалий ечим ўз навбатида шунингиз ҳам катта ҳажмда иш олиб бораётган фуқаролик судларида қўшимча иш юкламасини вужудга келтиради. Натижада фуқаролик судлари олдида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг конституция ва қонунларда ҳимояланиши лозим ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қийинчилик вужудга келади. Демак, мол-мулкни ва мулкий ҳуқуқларни меросхўрлар ўртасида тақсимлашнинг назарий ва амалий масалалари мавзусида тадқиқот олиб бориш заруриятини бугунги давр тақозо этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147-моддаси 1-қисмига кўра, меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишига ҳақли. Мазкур кодекснинг 1116-моддаси 1-қисмига кўра, мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилиши белгиланган. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 1134-моддасига кўра, қонун бўйича меросхўрлар ворисликка Фуқаролик Кодексининг 1135-1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида чақирилишини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра, “мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.”<sup>3</sup> Демак, шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мерос масаласи амалдаги қонунчилик билан тартибга солиниши керак.

Мерос очилган вақт масаласида “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига асосан мерос очилган пайтда хаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Қолаверса, мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи

<sup>2</sup> <http://lex.uz//ru/docs/5109530> Нотариуслар томонидан айрим нотариал харакатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996-й., 2-сонга илова. Elektron manba: <https://lex.uz/docs/-111189#-111192>

бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Демак, мархумнинг васиятномасида кўрсатилган шахс (жисмоний ва юридик шахс)лар, ҳамда давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари васият бўйича меросхўр бўлиши мумкин.”<sup>4</sup> Юқорида манбадан кўриниб турибдики, мерос бўйича ҳал қилиниши лозим масалалар мавжуд.

Шунингдек, [«Advice.uz»](https://www.advice.uz/) хуқуқий ахборот порталида: “Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд тартибида амалга оширилади.”<sup>5</sup> Шундан келиб чиқиб, меросни тақсимлаш меросхўрларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланиши доирасида ҳал қилиниши фикримизча тўғри ҳисобланади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва UNDPнинг қўшма лойиҳасида мерос масаласида умумий улушли мулк тушунчасига қўйидаги таъриф келтиришни лозим деб биламиз: “Икки ёки ундан ортиқ меросхўрлар қонун бўйича ёки меросхўрларнинг улушлари аниқ белгиланмаган васиятнома асосида меросни эгалласалар, ушбу мерос мулки уларнинг умумий улушли мулки хисобланади.”<sup>6</sup> Фуқаролик судларида айнан юқорида кўрсатилган умумий улушли мулкни аниқлаш жараёнида ҳам бир қанча низоли вазиятлар вужудга келмоқда. Шунуктаи назардан қараганда, мерос масаласида мол-мулкни ва мулкий ҳуқуқларни меросхўрлар ўртасида тақсимлашнинг назарий ҳамда амалий масалаларидаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш муҳим ҳисобланади.

### **Юқорида берилган барча фикрларимизни умумлаштирган ҳолда қўйидаги хulosаларга келишимиз мумкин:**

**Биринчидан**, мол-мулкни ва мулкий ҳуқуқларни меросхўрлар ўртасида тақсимлашнинг назарий ва амалий масалаларини янада чуқурроқ тадқиқ этиб, амалдаги мавжуд қонунчилигимизда учрайдиган ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш учун зарурый қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лойиҳаларини ишлаб чиқиб, тегишли тартибда қонунчилик ташабbusи ҳуқуқига эга субъектларга тақдим этиш лозим.

**Иккинчидан**, мол-мулкни ва мулкий ҳуқуқларни меросхўрлар ўртасида тақсимлашнинг назарий ва амалий масалаларини ўзида мужассам этган вақтли матбуот нашрларида кўрсатувлар ташкил этиш ҳамда содда ва оддий, барча тушунадиган тилда рисолалар чоп этиш мақсаддага мувофиқ.

<sup>4</sup> <https://surxondaryo.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=40625>

<sup>5</sup> <https://advice.uz/uz/document/1064>

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва UNDPнинг қўшма лойиҳаси. Ўзбекистонда мерос ҳуқуқи. Электрон манба: [https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/uz\\_undp\\_Inheritance\\_Law\\_in\\_Uzbekistan\\_brochure\\_uzb.pdf](https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/uz_undp_Inheritance_Law_in_Uzbekistan_brochure_uzb.pdf)

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996-й., 2-сонга илова.
2. <https://xojabuxoriy.uz/?p=689>
3. <http://lex.uz//ru/docs/5109530> Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида
4. <https://surxondaryo.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=40625>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва UNDPнинг қўшма лойиҳаси. Ўзбекистонда мерос ҳуқуқи. Электрон манба: [https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/uz\\_undp\\_Inheritance\\_Law\\_in\\_Uzbekistan\\_brochure\\_uzb.pdf](https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/uz_undp_Inheritance_Law_in_Uzbekistan_brochure_uzb.pdf)
6. <https://advice.uz/uz/document/1064>